
Ўзбекистондаги барча ўқитувчилар цинк препарати билан бепул таъминланади

Ўзбекистондаги умумтаълим муассасаларида коронавирус пандемиясининг салбий оқибатлари, коронавирус инфекцияси билан касалланишини олдини олиш ва даволаш мақсадида барча ўқитувчи ва ходимларни гидроксихлорохин ҳамда цинк препарати билан бепул таъминлаш топширилди. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби [хабар берди](#).

Ушбу топшириқни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори имзоланди. Бугунги кунда ушбу препаратлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан умумтаълим муассасаларининг барча ўқитувчи ва ходимларига етказиб берилиши бошланган.

2020-09-18 18:20:25